



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 94 (12.155)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2012 йил 14 МАЙ, ДУШАНБА

ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Хабар берилганидек, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Кенгаш аъзолари, республика олий ўқув юр்தларининг ректорлари, маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректорлар, фан, маданият, санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси Ш.Мирзиёев бошқарди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг маъно-мазмунини жамоатчиликка етказиш, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш борасида қабул қилинган аниқ дастурлар асосида кейинги йилларда катта ишлар қилинаётгани маълум бўлди.

Айниқса, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остида» китобларини, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни ўқиб-ўрганиш бўйича амалга оширилган илмий-маърифий тадбирлар маънавий ҳаётимизни юксалтиришда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир чиқишида маънавият соҳасидаги долзарб муаммолар, халқимиз, айниқса, ёш авлодимизнинг қалби ва онгини зарарли таъсир ва хуружлардан ҳимоя қилиш, миллий қадрият ва анъаналаримизни асраш масаласига алоҳида эътибор қаратади.

Жумладан, шу йил 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрият кунига бағишлаб ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотлар ўтказилди. Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Ш.Мирзиёевнинг раиси О.Маъқамов, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси З.Тазетдинова, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти Т.Саидов ва бошқалар сўзга чиқиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда Президентимиз томонидан баён этилган дастурий ғояларни таълим тизимида атрофлича ўрганиш, шу асосда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг алоҳида тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, унинг марказий ва ҳудудий тузилмалари ишини қайта кўриб чиқиш, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазибалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлар учун Очиқ эшиклар кунини ўтказди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона ва солиқ қўмиталари, акциядорлик-тижорат банклари, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва бошқа идоралар вакиллари қатнашди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш устувор вазифа этиб белгиланганлиги таъкидланди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳитини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг 2011 йил 7 январда қабул қилинган 2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотларни чуқурлаштириш ва қўламини кенгайтириш, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш мезонлари ва уларни баҳолаш тизимини белгилаш ҳамда амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги Қарори ушбу йўналишдаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан келган тадбиркорлар иштирок этган ушбу тадбир видеоконференция шаклида ўтказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил – инсон омилли экани, тарихий дохиллар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратиши, ҳар қайси униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўз ота-боболари анъаналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ғурур-ифтихор ҳисси билан яшаши, тарихий хотира ва авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусининг узвий боғлиқлиги, мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустақкам оила йили» деб эълон қилиниши ҳам инсон омиллига бўлган эътиборнинг амалий ифодаси экани, биз учун энг катта бойлик бўлган тинчлик-осойишталикни асрашда миллий армияимизнинг роли ва аҳамияти ҳақида давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган кенг қамровли фикрлар мажлисдаги чиқишларнинг асосий мавзуси бўлди.

Энг муҳими, бундай ўткир фикр ва ғоялар бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларнинг кўзини очишга, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, Юртбошимизнинг «Ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман» деган сўзлари навқирон авлодимизга бўлган юксак меҳр ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси экани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори М.Болтабоев, адабиётшунос олим Ш.Ризаев, шоир Қўчқор Норқобил, Тошкент Ислам университети проректори Ш.Акмалов, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуронов, Ўзбекистон халқ артисти О.Назарбеков, Қорақалпоғистон давлат университети ректори А.Матчанов, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши раиси О.Маъқамов, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси З.Тазетдинова, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти Т.Саидов ва бошқалар сўзга чиқиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда Президентимиз томонидан баён этилган дастурий ғояларни таълим тизимида атрофлича ўрганиш, шу асосда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг алоҳида тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, унинг марказий ва ҳудудий тузилмалари ишини қайта кўриб чиқиш, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазибалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

(ЎЗА)

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОРЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхоннинг айтишича, бундай тадбирларни ўтказишдан қўлланган мақсад тадбиркорлик фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишнинг самарадорлигини оширишдан иборатдир. Энди улар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан бевосита вазирликлар, идоралар ва муассасалар марказий аппаратига мурожаат қилиш имкониятига эга.

Тадбиркорлар учун Очиқ эшиклар кунининг ўтказилиши ўз натижаларини бермоқда. Савдо-саноат палатасидан олинган маълумотларга қараганда, 2012 йил

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Айни вақтда Республикаимизда тиббиёт соҳасига бўлган эътибор кун сайин ривожланиб бормоқда. Бу эса тиббиёт ходимларининг ҳам ўз устларида пухта ишлашга, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналаридан фойдалана олиш ва тиббиёт соҳасида яратилаётган ҳар қандай янгилардан хабардор бўлишга ундамоқда.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Кунларнинг исиши билан юртимизда юқумли касалликларнинг тарқалиши эҳтимоли янада ортади. Шу сабабли аҳоли орасида турли касалликлар авж олади. Бундан ташқари аҳолининг профилактика мақсадида тиббий кўриқдан ўтиши жараёнида ҳам баъзи ҳолларда тиббий асбоб-ускуналарнинг стерилизация, дезинфекцияси сифатли бўлмаганлиги ёки зарарсизлантириш воситаларининг талаб даражасида эмаслиги натижасида турли касалликларни юктириб олиш эҳтимоли пайдо бўлади. Айнан шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзфармасаноат» ДАК тизимида 2008 йилдан бошлаб фаолият кўрсатаётган «AGRO BIO KIMYO» МЧЖ дезинфекцияловчи воситалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганлиги билан ажралиб туради. Мазкур корхонага ўрнатилган технологиялар замонавий ишлаб чиқариш ташкил этиш ва дезинфекция воситаларининг сифатли ишлаб чиқарилишини таъминламоқда. Бунга тиббий воситаларнинг жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб бериши билан бирга импорт ўрнини босиши ва экспортга йўналтирилганлигидан ҳам қўришимиз мумкин. Корхонада ўндан ортиқ турдаги дезинфекция воситалари иш-

лаб чиқарилади. Жамият 2011 йилдан бошлаб ўз махсулотларини экспортга ҳам чиқара бошлади. Масалан, корхона «АБК-Экстра» дезинфекцияловчи воситасини Бирлашган Араб Амирикларида етказиб бериш учун 201600 АҚШ доллари ҳисобида шартнома имзолади. Бундан ташқари «Антисептин – ОП» қўллар учун антисептик воситасини ҳам Қозғистон Республикасига экспорт қилмоқда.

Утган йиллар мобайнида «AGRO BIO KIMYO» корхонаси қўллаб-қувватлаб турили йўналишларда ғолибликни қўлга киритди. Корхонага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 январдаги «2011-2012 йилларда Тошкент вилояти Охангарон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш учун 38,4 гектар ер ажратилди. Шундан сўнг корхонада ўз фаолиятини кенгайтириш ва Ўзбекистондаги равнақи учун ушбу имкониятдан оқилона фойдаланиш режаси ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)

биринчи чораги яқунлари бўйича бундай тадбирларда 12 мингга яқин тадбиркор қатнашган ва улар томонидан 2,3 мингдан зиёд мурожаат тақдим этилган. Уларнинг 90,1 фоизи жойида ҳал этилган, 9,9 фоизи эса ҳозирги вақтда ваколатли идора ва ташкилотлар томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

Мулоқот чоғида тадбиркорлар берган ўнлаб саволлар экспорт-импорт операциялари, товарларни декларация қилиш, лицензиялаш ва стандартлаштириш, божхона тўловларидан озод этилиш, божхона имтиёзларига эга бўлиш, статистика ҳамда солиқ ҳисобдорлигини тейёрлаш каби ҳўжалик муносабатларининг турли жиҳатлари билан боғлиқ бўлди.

– Мен Тошкент вилоятининг Зангиота туманидан келдим, – дейди ўша муҳбирга «Иттифоқ мева сабзавотлари» агрофирмаси директори Ҳамидулла Йўлчиев. – Аввал ҳам мини-технологияларни харид қилиш юзасидан Савдо-саноат палатасига мурожаат қилган эдим ва қисқа муддат ичида тегишли ёрдамни олдим. Бу гал мени дунё бозорларига чиқиш ва шериклар топиш масаласи қизиқтирмоқда. Шуниси эътиборлики, бундай тадбирлар бизнесдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш муддатларини қисқартириш имконини беради.

Меҳрибон МАМЕТОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фуқаролик жамияти шаклланиши-ни мониторинг қилиш мустақил институтининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлинмасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги муҳим дастурларни амалга оширишда вилоятда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини қўллаб-қувватлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Автомобиль ва дарё транспорт агентлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий «Яшил чирок» республика кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичи яқунланди.

• Балиқчи туманидаги 19-болалар муסיқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

• Қаршида «Интерактив хизматлар – солиқ тўловчилар хизматида» мавзюда семинар бўлиб ўтди. Қашқадарё вилояти давлат солиқ божқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда соҳа мутахассислари ҳамда солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар, солиқ соҳаси бўйича таълим олаётган ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

• Тахиятошда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида «Ораста қиз» танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Танловда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари «Оила сирлари», «Кийинги маданияти», «Пазандачилик маҳорати» каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар.

ЖАҲОНДА

• Германиянинг Шимолӣ Рейн-Вестфалия ерида ландагга ўтказилган сайловларда А. Меркель партияси маглубиятга учради.

• Кеча Бангладешда намоийшчилар ва полициячилар ўртасида рўй берган тўқнашувлар натижасида юздан ортиқ одам жабрланди.

• Утган бир кеча-кундуз давомида ўт ўчирувчилар томонидан Узок Шарқдаги ўрмон ёнгинларининг йиғирма биттаси бартараф этилди.

• Колумбияда исёнчилар ўзлари ўғирлаган француз журналистини озод қилишга рози бўлдилар.

• Кеча Ироқда амалга оширилган бир нечта теракт натижасида тўрт киши ҳалок бўлди, ўн олти киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

• Венгрияда чекишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди, деб хабар беради ПАТА-ТАСС. Энди жамоат жойларида чекиш қатъиян ман этилади, тамаки махсулотлари савдоси кучли назорат остига олинади. Чекувчилар учун эса жойларда атроф-муҳитга зарар етказмайдиган махсус чекиш хоналари ташкил этилади. Қонунни бузганларга 200 еврогача жарима солинади.

• Кубада мактаб ўқувчиларининг интернет тармоғига уланган мобиль телефонлардан фойдаланишини тақиқлаш тўғрисида махсус дастур ишлаб чиқилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, кубалик ўқувчилар жуда кўп вақтини телефондаги электрон почта орқали хабар алмашишга сарфламоқда. Бу эса уларнинг фанларни ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатаёттир. Мамлакат ҳукумати ушбу муаммони бартараф этиш учун электротехник махсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияларга болалар учун фақат суҳбатлашиш хизмати мавжуд мобиль телефонлар ишлаб чиқаришни тақиқ қилди.



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йил бошидан буён корхона 14 миллион 190 минг сўм миқдордаги дори воситалари билан ўзининг ҳомиёлик ёрдамларини кўрсатиб келмоқда. Жумладан, «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан корхона «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси тавсиясига кўра Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги экологик нуқулга бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолига 600 дона 2 миллион 100 минг сўм миқдордаги «Тозаден» восита-

сини етказиб берди. Чилонзор туманидаги 23-сонли Меҳрибонлик уйи учун 1 миллион 540 минг сўм миқдордаги тиббиёт воситалари билан ёрдам кўрсатилган. Бугунги кунда жамият томонидан Тошкент Фармацевтика институти ва Ўзбекистон Давлат миллий университети кимё кафедраси профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда илмий ҳамкорлик асосида турли фармацевтик тадқиқотлар олиб борилмоқда. «AGRO BIO KIMYO» МЧЖ корхонасида бугунги кунда матбуот хизмати ҳам ташкил этилган бўлиб, тиббиёт хо-

димларига ва аҳолига дезинфекция ва стерилизация йўналишларида керак бўладиган воситаларнинг тарғиботини олиб бориш мақсадида ўзининг www.abk.uz номли электрон сайти ҳам ташкил қилинган.

— Корхонамизнинг асосий мақсади, — дейди «AGRO BIO KIMYO» МЧЖ матбуот котиби Абдуносир Халилов, — Юртимиз тиббиёт ходимлари ва аҳолисини сифатли, замонавий ва оқори даражаси зарарсизлантириш воситалари билан таъминлаш ва шу йўл орқали бизга гепатит, ОИТС, сил каби юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишига қарши курашиш дид.

Фаррух БАҲРОМОВ
СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ: АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБА

Миллий матбуот марказида корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари орқали ижтимоий шериклик асосида олиб борилаётган ишларнинг инсон манфаатларини ҳимоялашдаги аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Жамоа шартномаси иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий, касбий муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда уни барқарорлаштирувчи локал норматив ҳужжат ҳисобланади. Айни дамда мамлакатимизда Бош келишув, 85 та тармок келишувлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида 14 та ҳудудий келишув, хусусан 509 та ҳудудий-тармок келишув амал қилмоқда. Бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган 91 мингдан зиёд жамоа шартномалари орқали 4 миллион 128 минг нафар ходим манфаатлари ҳимояга олинган. Мазкур шартномалар асосида юридик шахсларнинг 94 фоизи қамраб олинган.

Йигилишда жамоа шартномасини бекор қилишдан аввал ходим ва иш берувчининг муносабатларини тўғри йўлга қўйиш ҳамда ташкилотдаги касба уюшмасининг розилигини олиш лозимлиги қайд этилди. Ҳозирги кунда муассасалар қрошида фаолият юритаётган жамоа шартномалари меҳнатқашларнинг бандлик, меҳнат хавфсизлиги, даромадларни ошириш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялашга қаратилганлиги билан аҳамиятlidir.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, ижтимоий шерикчилик самарасини «Олмалик тоғ-металлургия комбинати», «Максам-Чирчик», «Жомбой Дон», «Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамиятлари, Тошкент шаҳар 1-болалар клиник шифохонаси, Гиждубон туман тиббиёт бирлашмалари, Қорақалпоғистон Давлат университети каби кўплаб иноқ ва аҳил жамоа ташкилотлари мисолида кўриш мумкин. Мазкур корхоналарда ходимларнинг жамоа шартномалари орқали йил давомида олаётган даромадлари 600 минг сўмдан 3 миллионгачани ташкил этади.

— Бугунги кунда жамоа шартномаларида меҳнат хавфсизлиги даражасини юксалтириш, иш жойларнинг санитар-гиена ҳолатини яхшилаш, маиший ҳоналар билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўқитиш, зарарли меҳнат шароитлари учун имтиёз ва компенсациялар ўрнатилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбоева. — Хусусан, овқатланиш, йўл ҳақи, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун тўловлар, тармоқда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларини имтиёзли бериш, моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнат учун рағбатлантириб бориш асосан касба уюшмалари зиммасидаги вазифадир. Биргина 2011 йилда 73 милярд ақён фуқаро 52 милярдан зиёд оилага 23,5 милярд сўллик ижтимоий кўмак берилди. Бокувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига ўқув қуролилари берилиб, 55 милярд ақин кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 1460 та оилага уй-жой қурилиши ҳамда узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун субсидиялар берилди. Олий таълим муассасаларининг 2300 нафар талабасига тўлов шартнома пуллари тўлаб берилди. «Мустаҳкам оила йили» да мазкур кенг қўламли ишлар янада жонланиб, самарадорлиги юксалди.

Тадбирда Касаба уюшмалари қарашли 15 та санаторий, 24 та спорт-мактаб ҳамда соғломлаштириш масканларида меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, ёзги мавсумда дам олишлари учун қўшимча имтиёзлар яратилаётганлиги эътироф этилди.

Азима ҚИЁСОВА

Ёз — ўтади соз

СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ

Мактабларда сўнгги кўнғирок чалиниб, ўқувчиларнинг ёзги таътилга чиқишларига оз фурсат қолди. Ҳар сафаргидек бу йил ҳам толиби илмларнинг аксариятини болалар оромгоҳлари ўз бағрига олади. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари фарзандлари ҳам таътилни мароқли ўтказадилар.

Ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарликни барвақт бошлаб юбордик, — дейди Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Т. Тешабоев. — Ахир ёз дам олиш ҳамда саломатлиқни мустаҳкамлаш мавсуми эмасми. Шу боис мавсумни муваффақиятли ўтказиш мақсадида кенг қўламли тадбирлар режаси тузиб чиқилди. Соҳа ходимларининг 7-13 ёшгача бўлган фарзандлари сони 2012 йил биринчи апрель ҳолатига кўра 10148 нафарни ташкил этди. Тасарруфимиздаги «Нилуфар», «Ёш алоқачи» каби оромгоҳларда мавсумга тайёргарлик ишлари атрофича ўрғаниб чиқилди. Маълумотларга кўра, оромгоҳлар жорий йилнинг 25 майга қадар тўла таъмирдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилади.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали касба уюшмаси фаолияти билан мавсумга ҳамма нарса тайёр холга келтирилди. Филиал тасарруфидоги «Нилуфар» ҳамда «Алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳларидаги ошхона, бассейн, йўл ва йўлакчалар тартибга келтирилди. Лозим деб топилган жойлар қайта таъмирланди. «Алоқачи» ва «Нилуфар» оромгоҳларида нафақат пойтахтлик алоқачиларнинг, балки «Қорақалпоқ Телеком», «Хоразм Телеком», «Сирдарё Телеком» каби корхоналарда меҳнат қилаётган ходимларнинг ўғил-қизлари ҳам ёз мавсуми гаштини сурадилар.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, «Алоқачи» оромгоҳида ҳар мавсумда 120 нафар, «Нилуфар»га эса 220 нафар бола жалб этилади. Катталар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш йил бўйи давом этади. Бинобарин, ходимларнинг турли санаторийларда даволанишлари учун имтиёзли йўлнамалар ажратилади. «Марварид», «Кумушкон» дам олиш уйларида кўплаб алоқа ходимлари ҳордиқ чиқарадилар.

Ақбар АЛИЕВ

ГРАНТ ЛОЙИҲАЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устуворлигини таъминлаш мақсадида мана бир неча йилдирки, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан бир қатор грант танловлари эълон қилинмоқда. Шу кунгача ўтказилган танловларда 1200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг 1500 дан ортиқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалари билан иштирок этишди.

Яқинда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида ана шу мавзуга бағишланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ўтказилаётган давлат гранти танловларида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг фаол иштирокини таъминлаш» номли семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, ЎзННТМА, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудий бўлимлари, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ вакиллари, ҳудудий ННТлар, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ходимлари иштирок этди.

Мазкур семинарда фуқаролик жамияти институтларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан жорий йилнинг 24 апрель куни эълон қилинган лойиҳалар танловида иштирок этиш шартлари билан таништириш ҳамда грант лойиҳаларини тайёрлаш бўйича иштирокчиларнинг малакасини оширишга қаратилди.

Тадбирда фуқаролик институтлари, нодавлат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланаётганлиги, фуқароларнинг ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратиб берилгани, жамиятда манфаатлар мувозанатини фаол таъминлашда кўмаклашаётганлиги эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А. Саидов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг грант танловлари тўғрисида»ги маърузасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2008 йил 3 июндаги «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарорининг қабул қилини-

ши билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашнинг ноёб механизми вужудга келганини таъкидлаб ўтди. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамда Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. Бундай ҳаракатнинг асосий мақсади — мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратишдан иборат.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида аҳолининг турли ижтимоий қатламлари — аёллар, ёшлар, жисмоний имконияти чекланган шахсларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, ҳудудларида миллий хунармандчиликнинг турли шакллари ривожлантириш, йирик корхоналар билан алоқаларни кенгайтириш ҳамда касаначиликни йўлга қўйиш, жамиятда ҳуқуқий ва инсон ҳуқуқлари маданиятини янада юксалтириш, жойларда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВларнинг ўрни ва ролини мустаҳкамлашга эришилмоқда.

Шунингдек, семинарда 2010-2011 йиллар грант танлови ғолиблари — Тошкент шаҳрининг «Академик Қори Ниёзов мероси» илмий методик маркази ҳамда «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциациясининг Тошкент вилояти Оҳангарон туман бўлими томонидан амалга оширган лойиҳа натижалари билан ўртоқлашилди.

Тадбир якунида иштирокчилар Тошкент шаҳри ва вилояти ННТлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласида ижтимоий шерикликни янада кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг жаҳон тажрибасида камёб бўлган миллий моделimiz имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Отабек ОТАЁРОВ

Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аҳамияти юзасидан анжуман бўлиб ўтди.

Фармон ва ижро

САРМОЯДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, Марказий банк, Давлат солиқ ва Божхона кўмиталари, Савдо-саноат палатаси мутасаддилари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар вакиллари иштирок этдилар.

Республикамизнинг иқтисодий ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда хорижий инвестициялар имкониятидан кенгроқ фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири саналади.

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунлар доирасида кенг қўламли имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими жорий этилди.

Натижада республика иқтисодиётининг етакчи тармоқларида хорижий инвестициялар иштирокида 4200 дан зиёд корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўтган 2011 йилда республика иқтисодиётининг реал секторига қарийб 2 млрд. 900 млн. доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлиб, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар эса хорижий инвесторларнинг республикамиз иқтисодиёти барқарорлигига, унинг ривожланиш истикболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Бир қатор давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар сингари Адлия органларига ҳам хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний

манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил ташкилий-ҳуқуқий чоралар қўриш вазифаси юклатилган. Бу борада вазирлик томонидан соҳага оид қонунчилик, унинг қўлланилиш амалиёти бўйича мутасадди идоралар ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтказилган мазкур тадбир республикамизда хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли имтиёзлар ва кафолатларнинг тушунтирилиши, мазкур соҳага алоқадор давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини яхшилаш масалаларига бағишланди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда ишбу соҳани ривожлантиришда «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон муҳим аҳамият касб этди.

Фармоннинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унга асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқларининг рўйхати қатъий белгилаб берилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар вакиллари мамлакатимизда яратилаётган қулай муҳит, Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида батафсил тушунтиришлар бериб ўтилди ва улар фаолиятида юзага келаётган масалалар ечими хусусида мутахассислар билан фикр алмашилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

ДАСТУР ДОИРАСИДАГИ АМАЛИЁТ

Жорий йилнинг август ойида ўзбекистонлик 15 нафар фуқаро Япония ҳукуматининг «Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш» дастури доирасида кунчиқар мамлакатга жўнаб кетади.

1999 йилдан буён Ўзбекистон ва Япония ўртасида давом этиб келаётган мазкур дастур малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Дастур доирасида амалиёт ўтаган ходимлар келгусида иқтисод, молия ва қонунчилик тизими каби соҳаларда фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз ривожига катта ҳисса қўшади.

Япония ушбу лойиҳани амалга ошириш мақсадида 1999 йилдан буён жами 3 милярд 765 миллион иен маблағ сарфлаган. Бу сафар мазкур дастурни молиялаштириш учун 202 миллион иен (тахминан 2 миллион 500 минг АҚШ доллари) ажратилган. Бугунги кунга қадар 221 нафар ўзбекистонлик мутахассислар Япония олий ўқув юртлари магистратураларида таҳсил олишди.

«Туркистон-пресс»

Маънавият — ақл кўзгуси

Айнан шу жараён инсонларни тарих билан янада яқинлаштиради ва ўтмишни уларнинг кўз ўнгида жонлантиради. Бугунги кунда, мамлакатимизда 90 га яқин давлат музейлари ва 700 дан ортиқ ёзувчи ва рассомлар, санъат арбоблари, корхона ва ўқув юртлири қошидаги музейлар мавжуд.

Шаҳримиз кўркви кўрқ қўшиб турган мўъжазгина Халқаро маданият карвонсаройи ҳам бугунги кунда ўзига хос нуфузга эга бўлган маскан сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Япониялик рассом Икю Хирояма номи билан боғлиқ машҳур Халқаро маданият карвонсаройи Буюк Ипак йўлининг маркази деб эътироф этилган. Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий меросини топши, ўрганиш, таъдиқ қилиш, халқимиз ва дунё жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш асосий фаолият йўналиши ҳисобланувчи бу марказ, Ўзбекистон ва Япония маданий алоқаларининг рамзи сифатида ташкил этилди.

Унинг қурилишига ва археологик экспедицияларга Икю Хирояманинг шахсан ўзи ҳомилий қилди. — Халқимизнинг тасвирий ва

Инсонларнинг маънавий юксалишида, миллий анъаналаримизни қадрлашда, ёшлар маданий ҳаётини шакллантиришда, бағрикенглик, ҳамдўстлик тушунчаларини кишилар онгига синдиришда музейларнинг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, улар тарих силсилаларидан бизгача етиб келган ноёб ва қimmatбахо ашёларни мустаҳкам сақлайди, ўрганади ва экспозицияларни авлодларга етказиб беради.



Мазкур маърифий муассасада 2005 йилда 15 дан ортиқ кўргазма ва танловлар ўтказилган бўлса, 2010-2011 йилларда қирқдан ортиқ ранг-ба-

Шаҳримиз музейларида МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР РАМЗИ

энциклопедиялари, ўзбек ёзувчилари ва шоирларнинг китоблари ҳамда чет мамлакатлар тарихига оид китоблар жамланган. Асосийси муассасамизга келадиган ҳар бир кишининг қалби ва онгида ватанпарварлик, ўз халқига бўлган меҳр-мухаббат, урф-одатларимизга, қадимий меросимизга эътибор ва эҳтиром туйғуларини янада оширишда Халқаро маданият карвонсаройининг ўз ўрни ва вазифалари мавжуд. Чунки ушбу маскан инсонлар дунёқараши кенгайтиради, тарихни мукаммал билиш, англаш, ўтмиш ва бугунни қиёслаганда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, юртимиздаги мавжуд санъат масканлари, музейлар, мозий ва бугунги боғлаб турадиган, уларни бир-бирига қиёслайдиган, тарих ҳамда келажак ришталари узвийлигини таъминлайдиган даргоҳ ҳисобланади.

Халқаро маданият карвонсаройи Буюк Ипак йўлининг маркази сифатида эътироф этилар экан, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш билан бирга, бой маданий, тарихий меросни халқимиз ва дунё жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этишни ўзининг асосий фаолияти этиб белгилаган.

ранг кўргазмалар, турли тадбирлар, танловлар ташкил этилди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Халқаро маданият карвонсаройида таъмирлаш устохонаси ҳам мавжуд бўлиб, унда археологик қазилмалар жараёнида топилган ёдгорликларни қайта тиклаш ишлари олиб борилди. Топилган ёдгорликлар қайта таъмирланади, махсус воситаларда ювилади, тикланади ва музей фондига топширилади. Музейда 2010 йилда беш нафар япон мутахассислари билан ҳамкорликда талабалар учун қарийб бир ой давомида археология йўналишида мастер-класс дарслари олиб борилди. Унда талабалар археология соҳасида хорижий илғор таъриблар билан танишди.

Музейларни тарих, маданият ва санъатнинг хазинаси деб таърифлашда, зеро, бу масканлар аждоқларимизнинг кўп асрлик тарихига муҳаббат, эҳтиром билан қарашга қорлайди. Уларнинг онг ва тафаккурлари тэранлашувида ҳам ушбу улғу даргоҳларнинг алоҳида ўрни бор.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Ҳар бир миллатнинг ютуғи — бу унинг келажаги бўлган маънавиятли ва маърифатли ёшлардир. Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, мамлакат тараққиётида муваффақиятларга эришни қийин.

Хусусан, ёшларда маънавиятнинг шаклланиши учун кенг қўламли ишларни амалга ошириш зарур. Бунда айниқса, фарзандларимизнинг маънавий-маданий меросимизни, аждоқларимизнинг тарихини чуқур ўрганишида биз, педагоглар бор кучимиз ва имкониятларимизни шифа солишимиз керак бўлади. Бу хусусда улғу аллома Абу Наср ал-Фаробий шундай дейди: «Талим-тарбиянинг бирдан-бир вазифаси — киши яшаб турган жамиятнинг талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган ва жамиятни бир бутунликда, тинчлик ва фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган мукаммал инсонни етиштиришдир».

Ривожланиши мақсад қилган ҳар бир давлат ва жамият аввало, маънавий омилни — комил инсонни шакллантириш педагогикасини яратиши лозимдир. Ҳеч қачон йилдан йилга қийинчилик бўлганда, бизда ана шу тарбия воситаси мавжуд. Истиқлол йилларида, комил инсон тарбияси борасида маънавиятнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Ҳозирда жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера оладиган мактаб, академик лицей ва касбухона коллежлари учун замонавий янги бинолар қурилди, сўнги русумдаги техника воситалари билан жиҳозланди.

Юксак малакали, фидойи, ўз касбининг маҳоратли усталарини давр талаблари асосида етиштириш, кадрларни замонаг монанд қайта тайёрлаш тизимини ҳам аниқ мақсадга йўналтириш зарурати бор. Бу эса ўқитиш тизимида шифа ўзгаришларига хизмат қилади.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Бундан ташқари, дарслар самардорлигини оширишда янги инновацион усуллардан, замонавий техника воситаларидан фойдаланиш асосида ёшларни эркин фикрлашда, уларнинг қобилияти, дунёқараши ривожланишига, қизиқишлари ортиб боришига имкониятлар очилади. Ана шу вазиёларнинг негизиде ёшларнинг онгига миллий ва умумбашарий қадриятларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур синдириш керак бўлади. Чунки, қадриятлар асосидаги тарбия шахс маънавий фаолиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уни яқка ҳаёт таърибасидан ижтимоий фао-

Тадбирлар

БОЛА АЗИЗ — ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

Нурли келажакимиз эгаси бўлган ёш авлодда ўз ҳаёти, оила аъзолари Ватан ва миллати олдидеги масъулият туйғусини шакллантириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бириндир. Яккасарой туманидаги 160-мактабда «Тарбияси оғир фарзандлар билан ишлаш» мавзусида ўтказилган тадбир ҳам ёшлар маънавиятини кенгайтиришга бағишланди.

Тадбирда маҳалла оқсоқоллари, прокуратура соҳаси ходимлари, туман халқ таълими мутаассадилари иштирок этдилар.

Мавзу доирасида изчил фикрлар қизгин суҳбатга айланди. Кўзда тутилган мақсадлар самарадорлигининг натижаси таъкидланди. Юртбошимизнинг «Ақл-заковатли, юксак кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйилган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт камол топади» деган сўзлари замирида ҳам айна шу замона муҳасам. Бу эса фарзандларимиз, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолотига масъулият билан ёндошишга ундайди.

Тадбирда Маҳкам Султоновнинг ажайиб ҳаётий мушоҳадалари асосидаги тақлиф ва насиҳатлари қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди. — Ин-

соннинг қалби ва онгига жо бўлган миллий маънавий-ахлоқий негизлар уни бутун умри давомида ҳалол, пок, билимли, халқ хизматида бўлишга, комилликка ундайди. Фарзанд беодоб бўлишининг биринчи сабаби эса уни ҳаддан ошиқ эркалатишдир. Тўғри, фарзанд ширин, аммо тарбияси унданда азиз бўлмоғи зарур, дея таъкидлади отахон.

Шунингдек, тадбир доирасида мактаб амалиётчи психолог Юлиана Бабагетова бола тарбиясида амалда ижобий натижалар берган таъриблари ва йўналишлари билан ўртоқлашди.

Тадбир ўрнили фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Дилором ЮСУПОВА,
Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Ахборот хизмати бошлиғи

ТАЪРИФИ ЖАҲОНГА ТАРАЛГАН ЮРТИМ

Юртим боғларида баҳор нафаси, гуллар ифорида жаннат дунёси, бунчалар гўзалдир беқисс диёр, айтинг бундай ўлка яна қайда бор? Қишда оппоқ қори жилоланади, баҳор қадамида жон таралади, ёзда ҳил-хил пишар нозу неъмат, кузда замин зарларга бўялади. Тўрт фаслда тўрт томони гулдайди, сەҳру сирни дунёни эгаллайди, бормикан шундайин бир гулу бўстон, номи жарангдор жаннат, ҳур ЎЗБЕКИСТОН!

Ёзаверсам мадҳи машҳурдир чунон, ёшлари зафарлар қучади ҳар он, ҳар ишда голибдир, соҳада донгдор, бу менинг Ватаним жон Ўзбекистон. Тегранда пириларинг қўллаб туради, алломалар руҳи йўқлаб туради, Юртбошимиз бошимизда бир паноҳ бўлиб, қалқондай ҳимоя қилиб туради.

Суансанг алпдай Ҳисор тоғларинг бордир, куй-қўшиқ ёзишга боғларинг бордир, ихтиро қилишни хоҳласанг агар, сенга ҳар ишда омадлар ёрдаир.

Таърифи жаҳонга таралган юртим, ризқи бутун, халқи бой юртим, қишда ҳам қуёши порлаб турувчи, кундай ёруғ, ойдай тўлин жон юртим.

Мен қизингман оддий ёзиш ҳавасим, шаънингга бир қиёс топиш ҳавасим, бари ёзганларим юрак амридир, менинг Гул руҳимда гуллар таловшир.

Исимим Гул, Чехрамда нуринг бор Ватан, томиринг жонимга туташдир Ватан. Гар ўлсам пойингни қучиб ўлайин, борингга минг шукр яғонам Ватан!

Гули ЧЕХРА

ликка етаклаб борувчи асосий бошқичдир.

Ёшлар бугунги кун талабига жавоб бера оладиган даражада тарбия олиши учун оила ва маҳалланинг таъсири ҳам беқиссдир. Таъкидлаш жоизки, таълим-тарбия асосан, оиладан бошланади. Фарзандлар тарбияси, келажаги, уларнинг бирон-бир касбини эгаллаши, билим олишига оид ҳаётий тушунчалар ана шу муқаддас даргоҳда пайдо бўлади. Баркамол авлоднинг маънавий ҳаётини юксалтиришда маҳалланнинг ўрнига тўхталадиган бўлсақ, азалдан ўзбек маҳалласи миллий қадриятлар маскани ҳисобланади. Халқимизга хос урф-одатлар ва анъаналар авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланади ва ривожланади.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда изчил амалга оширилаётган ўзгаришлар, биринчи навбатда, маънавий ҳаётимизда кўпроқ кўзга ташлана бошланди. Ёш авлоднинг ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғурур туйғусини қучайтириш, фарзандларимизда халоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик сингарий хислатларни шакллантириш маърифий-тарбиявий ишларнинг асосий мақсадиридир. Эътиқод, ахлоқий қазилалари қучли ёшларга эга давлат, мустақил ва барқарор ривожлана олади.

Мамлакатимиз, халқимизнинг эртанги кун бугун мактаб парталарида ўтирган ёшларимизнинг қай даражада таълим-тарбия олаётганига боғлиқ эканлигини унутмайлик. Демак, сизу бизнинг вазиғамиз етук инсонларни вояга етказиш жараёнига бутун куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишдан иборатдир.

Мамура КАЗАКБАЕВА,
фалсафа фанлари номзоди

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Заңгиота тумани СИБ томонидан № 2525/12-сонли ижро ҳужжатиға асосан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 1982 й. «Ваз 2106», д/р. 01 J 139 АА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 041 000 сўм. 2. «Газ-2401», д/р. У 5982 ТМ автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 726 000 сўм. 3. 1978 й. «Ваз 2106», д/р. 11 Х 0521 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 976 000 сўм. 4. 1979 й. «М-412», д/р. 11 В 5117 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 561 000 сўм. 5. 1975 й. «Ваз 21011», д/р. 10 P 713 EA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 620 000 сўм. 6. 1974 й. «М-412», д/р. 11 Q 0068 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 466 000 сўм. Юқориде қўрсатилган автотранспорт воситалари Тошкент вилояти Заңгиота тумани «Кўк-Терак Матлубот Инвест» МЧЖ омборхонасида сақланмоқда. Савдога Бектемир тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 28.10.2011 №1-666 сонли ижро ҳужжатиға асосан 2011 й. «Ластети», д/р. 01 W 434 HA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 000 000 сўм. 2. 14.09.2011 №1-1077 сонли ижро ҳужжатиға асосан 1988 й. «AUDI-100», д/р. 30 U 6128 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5656731 сўм. 3. 16.11.2011 №1-933 сонли ижро ҳужжатиға асосан 2008 й. «Ваз-21723-114-01», д/р. 01 H 446 JA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 479 158 сўм. Юқориде қўрсатилган автотранспорт воситалари Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 12 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридеги мулклар 2012 йил 12 июнь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 27 июнь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека Банк» Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улғубек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Мирзо Улғубек тумани СИБ томонидан 12.03.2012 йилдаги № 10-1119/20433 сонли ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар, Мирзо Улғубек тумани, Лойихадаги 40,0м кўчасида бекат маҳмуаси. Бошланғич баҳоси 35 000 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар, Мирзо Улғубек тумани, Гулсанам ва Юзробоғ кўчалари қесиқан жойида жойлашган бекат маҳмуаси. Бошланғич баҳоси 42 000 000 сўм. 3. Тошкент шаҳар, Мирзо Улғубек тумани, Буюк Ипак йўли ва Юзробоғ қесиқан жойида жойлашган бекат маҳмуаси. Бошланғич баҳоси 45 000 000 сўм. 4. Тошкент шаҳар, Мирзо Улғубек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси балалар «Сил» касаллиқлар санаторийиси олдида жойлашган бекат маҳмуаси. Бошланғич баҳоси 45 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 12 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридеги мулклар 2012 йил 12 июнь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 27 июнь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истигадиги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтохур филиалига қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5494 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улғубек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052

«Respublica Mulk market» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига такроран Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилири бўлими томонидан, 16.05.2011 йилдаги 12956/17-сонли ижро ҳужжатиға асосан хатланган, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, 1-сонли жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Матиз» русумли, д/р 01-133 ОАА булган, 2009 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 480 000 сўм. 2. «Нексия» русумли д/р 01-677 LAA булган 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 000 000 сўм.

Аукцион савдосига такроран Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Бектемир тумани Х.Бойқаро кўчасида жойлашган Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказининг далилий ашёларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Ваз-2106» русумли д/р 30J4775 булган 1976 йилда и/ч нозоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 24.01.2011й. №1-13. Бошланғич баҳоси — 2 183 306 сўм. 2. «Москвич-412» русумли д/р 3011541 булган 1987 йилда и/ч нозоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.02.2010й. №1-45. Бошланғич баҳоси — 262 035 сўм. 3. «М 21-УС» русумли д/р 11K2070 булган 1963 йилда и/ч нозоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.09.2009й. №1-674. Бошланғич баҳоси — 2 064 131 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 5 июнь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати: 2012 йил 1 июнь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилири вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини қўрсатган ҳолда «Respublica Mulk market» ЕАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сябфон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Шунингдек қуйидаги автотранспорт воситаси аукцион савдосига олинганлигини маълум қилади! «Тошкент оқшом» газетасининг 23.04.2012 йилдаги 80-сонда чоп этилган хабарнома билан «RRM» ЕАЖнинг аукцион савдолари қўйилган «Нексия» русумли, давлат рақами 01Н001153 булган автотранспорт воситаси аукцион савдосидан олинди. Савдодан олишга асос: Бектемир тумани суд ижрочилири бўлимининг 03.05.2012 йилдаги 2631/7-сонли хати.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

